VI. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб–қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар 2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига 914 та кичик бизнес субъектларини (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) ташкил этиш имконини берди. (2019 йилнинг шу даврига нисбатан 69,8 фоизга камдир).

Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши

2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)

(деҳқон ва фермер хўжаликларисиз)



Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо (жами ташкил этилган субъектларнинг 34,4 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида (21,3 фоиз), саноат соҳасида (16,5 фоиз) ва қурилишда (10,6 фоиз) ташкил этилган.

2020 йилнинг январь-март ойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан:

– 1 448,2 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 89,4 фоизи) ўзлаштирилди ва 2019 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 2,9 марта кўп фоизни ташкил қилди;

– 477,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 98,8 фоизи) бажарилди ва 2019 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 107,5 фоизни ташкил қилди;

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 585,2 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 53,7 фоизини) ташкил қилди;

– 679,8 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб (вилоят жами хизматлар хажмининг 60,3 фоизи), 2019 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 102,9 фоизни ташкил қилди;

– чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 87,3 фоизи ёки 1 446,3 млрд. сўми (ўсиш суръати 104,0 фоизни ташкил қилди) шакллантирилди;

14,4 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 57,1 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 65,1 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 96,6 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди;

– автомобиль транспорти юк айланмасининг 101,5 фоизга (вилоят жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 101,6 фоиз), йўловчи айланмасининг эса 102,2 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 102,2 фоиз) кўпайиши таъминланди;

2020 йилнинг январь-мартида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши 74,8 фоизни, саноатда – 53,7 фоизни, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 100,0 фоизни, қурилишда – 99,9 фоизни, экспортда – 57,1 фоизни ташкил қилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши, фоизда

Вилоят бўйича кичик тадбиркорликда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича асосий иқтисодий кўрсаткичлари

(*умумий ҳажмига нисбатан млрд. сўмда*)

Жиззах вилояти бўйича энг кўпроқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Жиззах шаҳар (255,1 млрд.сўм), Шароф Рашидов (54,3 млрд.сўм), Зомин (53,5 млрд.сўм), Пахтакор (38,6 млрд.сўм) туманлар ҳиссасига тўғри келади.

Арнасой (12,8 млрд. сўм), Янгиобод (13,2 млрд. сўм) ва Бахмал (14,3 млрд. сўм) туманларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми пастлигича қолмоқда.

2020 йил январь-мартида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик бизнесда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш хажми

2020 йил январь-мартда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар соҳаси ҳажми ва ўсиш суръати

Жиззах вилояти бўйича кўпроқ хизматлар ҳажми Жиззах шаҳрида (656,2 млрд.сўм), Шароф Рашидов (96,9 млрд.сўм), Ғаллаорол (64,3 млрд. сўм) ва Дўстлик (60,8 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

2020 йил январь-март ойларида иқтисодий кўрсаткичларда кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича улуши, фоизда

	Саноат	*Қурилиш*	*Хизматлар*	*Қишлоқ хўжалиги*
Жиззах вилояти	**53,7**	**89,4**	**60,3**	**100,0**
шаҳар:				
Жиззах	51,5	61,7	34,1	100,0
туманлар:				
Арнасой	26,5	61,5	99,1	100,0
Бахмал	100,0	93,7	92,0	100,0
Ғаллаорол	100,0	92,8	98,8	100,0
Шароф Рашидов	100,0	97,7	98,0	100,0
Дўстлик	20,1	95,8	95,8	100,0
Зомин	99,9	96,4	92,5	100,0
Зарбдор	20,8	91,5	98,4	100,0
Зафаробод	100,0	89,0	96,0	100,0
Мирзачўл	100,0	99,0	98,8	100,0
Пахтакор	59,3	99,6	96,8	100,0
Фориш	93,5	99,7	98,9	100,0
Янгиобод	100,0	79,5	98,4	100,0

Жорий йилнинг январь-март ойларида вилоятда кичик тадбиркорликнинг иқтисодий кўрсаткичлари соҳалар бўйича таҳлил қилинганида:

- саноат тармоғида кичик тадбиркорлик Дўстлик (20,1 %), Зарбдор (20,8 %), Арнасой (26,5 %) туманларида нисбатан кам, Пахтакор (59,3 %), Фориш (93,5 %), Зомин (99,9 %) туманларида ҳамда Жиззах шаҳрида (51,5 %) нисбатан юқори улушни ташкил этади.

- қурилиш тармоғида кичик тадбиркорлик деярли барча ҳудудларда юқори (камида 60 фоиздан ортиқ) улушга эга.

- хизматлар соҳасида кичик тадбиркорлик улуши Жиззах шаҳрида қолган ҳудудларга нисбатан кам (34,1 %) бўлишига қарамасдан, ҳажм жиҳатидан қолган ҳудудлардан юқори ўринга эга.

- қишлоқ хўжалиги тармоғида вилоят миқёсида яратиладиган қўшимча қийматнинг барчаси кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилади.